

МОДЕРН ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ.

Тангирова Д.-Жиззах ДПИ, катта ўқитувчиси

Аннотация: XX асарнинг иккинчи яримидан бошлаб, ўзбек адабиётига ҳам Европа адабий жараёнидан «модерн адабиёти» деб аталмиш бирмунча янги ва эркинликка асосланган адабиёт кириб келди.. Неча йиллар анъана тусини олган вазн, ритм, қофия, радиф, туроқ каби шеърий унсурларни четлаб ўтувчи шеъриятни кашф этди. Шеъриятдаги бу каби ўзгаришлар шеърий асарларнинг образлар тизимига ҳам, хусусан, лирик қаҳрамон фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Калит сўзлар: Адабий жараён, модерн шеърияти, лирик қаҳрамон, вазн, қофия, ритм, туроқ.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўзбек шеъриятида ҳам ўзгаришлар руй бера бошлади. Адабий жараёнга тамомила ўз фикрини мустақил ва эркин баён этишга қаратилган янгича адабиёт, яъни модерн адабиёти кириб кела бошлади.

Дунё адабий жараёни тарихидан маълумки, жаҳон адабиётида модернча қараш ва талқинлар энг аввало назмда пайдо бўла бошлади. Гарчанд модерн насри, айниқса, романчилиги қанчалик ютуқларга эришган бўлмасин, барибир инсоният тарихида модерн шеърияти ўзининг етакчилик роли йўқотган эмас.

Тўғри XX аср бошларида ўзбек шеъриятида Чўлпон, Фитрат кабилар модерн йўналишида ўеърий асарлар битган бўсалар, кейинчалик Асқад Мухтор, Р.Парфи, Б.Рўзимухаммад, Т.Али, Фахриёр, У.Ҳамдам, Г.Бегим, Ғ.Мирзо, Д.Ражаб, А.Саид, С.Меҳмонова кабилар ижоди мисолида текширади. Аммо мазкур тадқиқотда ўзбек модерн Рауф Пафи,.... Кабилар бу йўналишда ўзларининг гўзал шеърий асарларни яратдилар.

Маълумки, модерн адабиёти анча эркин адабиёт бўлиб унда қофия ва радифнинг кучли рамкасини ўз аҳамиятини бирмунча сусайтириб, эркин вазн, ритм, сюжет асосида ижодкорнинг қалби ва шууридаги қарашларни

ифода этилиши таминлайди. Бундай эркинлик шеъриятнинг асосий унсурларидан бири бўлмиш Лирик қаҳрамон масалалсига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Тўғри, модернизмга хос умумий хусусиятлардан бири шуки, у объектив воқеликнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасаввуридаги бадиий моделини яратишни мақсад қилади. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорнинг ўз-ўзини ифодалаш (қ. экспрессионизм) устувор аҳамият касб этади. Ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, **мантикий** билишдан интуитив билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишларга айрича эътибор берилиши (қ. онг оқими), ижодкор шахс ижодий тахайюли ва у акс эттирган воқеликнинг бетакрор ходиса сифатида тушунилиши, ўз ўй-хисларини ҳеч қандай (маънавий, ахлоқий, сиёсий ва ҳ.) чекловларсиз ифодалаш ҳуқуқининг эътироф этилиши ҳам модернизмга хос хусусиятлардандир. Ижодий эркинлик нафақат ғоявий-мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам мутлақо дахлсиз. Бу ҳол модернизмдаги бадиий образ структураси, асарнинг субъектив ва объектив ташкилланиши, баён тарзи, сюжет-композицион қурилиши, тил хусусиятлари тамомила ўзгача бўлиб, бу жараён уларда Лирик қаҳрамон муносабатига ҳам ўз таъсирини кўсатмай қолмаган.

Одатда шеърий асарларда лирик қаҳрамон шеърий асар юкини кўтарувчи қаҳрамонга айланади ва айниқса асардаги лирик жараёнлар авжуга чиққан нуқталарда ўзининг дил туғёнида жўш урган барча ходисаларни ифода эта боради. Малан, шоир Абдулла Ориповнинг “Муножотни тинглаб” шеъридаги қуйидаги лавҳаларга эътибор қаратайлик:

Қани айт, мақсадинг нимадир сенинг,

Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг

Нечун керак сенга кўз ёшим,

Нечун керак, рубоб, шунча ғам!

Ёки

Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,

Қайлардан келмоқда бу оху фарёд.

Ким у йиғлаётган, Навоиймикин,

Ё май куйчиси Ҳайёммикин, дод

Абдулла Орипов каламига мансуб мазкур асарда лирик қаҳрамон хайратланувчи, куйнинг сеҳрига мубтало бўлган тинговчи сифатида намоён булди. Лирик қаҳрамон ўз хайратини яшира олмай куйнинг мақсдини билиш учун унга мурожаат қилувчи шахсга айланади.

Ёки шоир Ҳамид Олимжоннинг “Намаътак” шеърида лирик қаҳрамонни бошқача ҳолатда кўриш мумкин. Фикрнинг исботи учун куйидаги парчага эътибор қаратайлик:

Деразамнинг олдида бир туп,

Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб ғунчалар,

Тонгда айтди ҳаёт отини

Ва шаббода қурғур илк саҳар

Олиб кетди гулнинг тотини

Мазкур асарда китобхон баҳор тафтига маҳлиё бўлган сўзловчи - лирик қаҳрамоннинг образли талқинига дуч келиши мумкин.

Характерли жиҳати шундаки, анъавий лирик шеъриятда лирик қаҳрамон лирик асарнинг бутун руҳиятини қамраб олади ва ҳар бир мисра ҳамда ўринда унинг нафаси уфириб туради.

Лекин лирик қаҳрамон масаласи модерн шеъриятида эса сал бошқачароқ тарзда намоён бўлади. Аввало аксарият модерн шеърий асарларида одатдаги лирик асарлардан фаврқли ўлароқ ички воқеабандликка мойиллик мавжуд бўлди. Кўпинча бирон бир воқеа ёки ҳодиса ровий-сўзловчи томонидан сўзлаб берилади. Лирик қаҳрамон эса бир ёки икки жумла ёхуд фикр орқали ўша айтилган воқеа ҳодисага ўз муносабатини билдиради.

Фикрнинг исботи учун шоир Рауф Парфининг ижоди ва унинг айрим

асарларига назар солиш мумкин бўлади.

Маълумки, истеъдодли шоир Рауф Парфи модерн шеъриятни янги поғонага кўтара олган ижодкорлардан. Унинг ўзига хос поэтик мушоҳада услуби шеъриятимизда алоҳида ижодий мактаб даражасига кўтарилган. Ҳассос шоирнинг қарийиб барча шеърларида инсон эрки, озодлик куйланади ва шу эркак тажовуз солаётганларга нафрат сезилиб туради. Масалан, унинг „Виктор Харанинг сўнгги кўшиғи» шеърига эътибор берайлик: Чилининг кўшиқчи шоири Виктор Хара Августо Пиночет бошчилигидаги хунта томонидан Сантягонинг марказий стадионларидан бирида, озодлик кўшиғи, эрк гимнини куйлагани учун, ўзининг қасоскор шеърлари туфайли беш минг махбус олдида панжалари, сўнг қўллари кесиб ўлдирилган. Р.Парфи шу воқеани ўзининг “Туркистон руҳи” шеърида қуйидагича ифода этган:

Ох, сўнгги кўшиқни куйламоқ бунчалар

қийин, Виктор Харанинг кўзлари ўнгида

Унинг суюк она-Ватанини –

Етти торли муқаддас созини синдирдилар.

Сўнг унинг сарбаст кўшиқларига

жўровоз бармоқларини кесиб

олишди. Бир эмас,

Икки эмас,

Уч эмас...

Унинг ўн фарзандини –

Бармоқларини сўйди жаллодлар,

Ўзинг яратдингми шуларни, Тангрим!

Келтирилган шеърий парчанинг ўзидаёқ, агар эътибор бериб қаралса, китобхон икки образга дуч келгандай бўлади. Улардан биринчиси Виктор Харанинг ўлимини ҳикоя қилувчи ҳикоячи-

ровий, иккинчиси ушбу воқеадан афсусланган лирик қаҳрамон, яъни шоирнинг ўзи.

Кўринадики, ушбу шеърда Рауф Парфининг лирик қаҳрамони анъанавий шеъриятда бўлгани каби асарнинг барча ўринларига аралашавермайди. Лирик қаҳрамон ҳикоячидан воқеани батафсил тинглайди ва энг аввало, ўзининг, қолаверса, барча китобхонларнинг фикрини лўнда қилиб, битта жумла билан - «Ўзинг яратдингми шуларни, Тангрим!» мисраси орқали ифода этади. Шу биргина мисра орқали шоир Виктор Хара ўлимидан афсусланган бутун эзгу фикрли инсонларнинг қарашларини тараннум этади.

Модерн шеъриятида лирик қаҳрамон яратишнинг бу каби ўзига хослигини Асқад Мухтор ижоди ва шеърларида ҳам дуч келиш мумкин:

Маълумки, бадий адабиётда дўстлик ва қардошлик ҳақида турли жанрларда бўлгани каби шеъриятда ҳам юзлаб асарлар яратилган. Бироқ, модерн адабиёти таъсири ўлароқ Асқад Мухторнинг “Дўст ўлимига” деб номланган шеъри тасвирнинг оригиналлиги, изҳор тарзининг янгилиги билан бу асарларнинг ҳеч бирига ўхшамайди:

Мен сени тушимда кўрдим чамаси
Умр йўлларида бахт, дард, тўлғаниш...
Қандай ажойиб туш бунинг ҳаммаси!
Ва қандай мусибат бирдан уйғониш!
Менинг ҳам баргларим тўкилаётир,
Қувонч маст қилмайди чопса омадим.
Нотаниш ночорлик солар ҳавотир,
Сени ҳам ардоқлаб қола олмадим.
Мен нима, мен фақат шомда бир шивир,
Мен она кўзида йилтиллаган нам

Ёки турналарнинг видо қўшиғи...

Фақат уҳ деёлдим ўша тонгда ҳам¹.

Шеърда чархнинг кажрафторлиги, дунёнинг бебақолиги каби мусибатни акс эттирадиган анъанавий тасвир мавжуд эмас.. Инсон умрининг —шомда бир шивир, —она кўзида йилтиллаган нам, —турналарнинг видо қўшиғи.га қиёсланиши ўзбек шеърятини учун янги тасвир. Дўстнинг ўлимидан ларзага тушган қалбнинг фарёдини биргина лирик қаҳрамоннинг “Ўҳ” деган товуши орқали ифода этипти. Мусибат залворини биргина лирик қаҳрамоннинг товушга ортиш ўзбек шеърятини учун янги ҳодиса бўлди.

Хулоса қилиб айтганда , модерн шеърятда вазн, ритм, қофия, банд каби қатор анъанавий унсурлардан ташқари лирик қаҳрамон ёхуд шеърини образ ҳамда образлилик тушинчаларини шакллантиришда ҳам бирмунча фарқли жиҳатлар пайдо бўда бошлади. Мазкур шеърятда лирик қаҳрамон ўзининг кечинмаларидан ташқари Европанинг “онг оқими” таъсиридан илҳомланган бош қаҳрамон ҳикоячи қарашларига асар тақдирини топшириб қўйиш анъаналарига дучор бўлди. Натижада модерн шеърятининг ўткир пафосини ифода этувчи лавҳала, хулосалар яратилди. Албатта бир мақола доирасида мазкур масалалар борасида атрофлича тўхталишнинг имкоияти чекланган бўлиб, кейинги йирикроқ ишларимизда модерн шеърятда лириклик масалаларига атрофлича тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Муҳаммаджон Холбеков. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент “Мумтоз сўз” нашриёти, 2004 йил.
2. Ёўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари. Автореферат. Тошкент, 2004 йб
3. Ёўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Тошкент, ” Янги авлод” нашриёти, 2006 й
4. Асқад Мухтор. Ёилларим. Шеърлар. Тошкент, ” Ёзувчи” нашриёти, 1990 йил